

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 581,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестициялар ва кредитлар 99,7 млрд.сўмни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:


	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>581,4</b>	<b>92,9</b>	<b>100</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>73,7</b>	<b>96,8</b>	<b>12,7</b>
бюджет маблағлари	29,2	131,2	5,0
давлат мақсадли фонд маблағлари	4,8	49,9	0,8
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	39,7	94,2	6,9
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>507,7</b>	<b>92,2</b>	<b>87,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	243,9	119,0	42,0
аҳоли маблағлари	122,3	68,9	21,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	60,0	49,6	10,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	81,4	114,5	14,0

2017 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби күйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>581,4</b>	<b>8,1</b>	<b>91,9</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
курилиш-монтаж ишлари	303,9	9,7	90,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	254,4	5,4	94,6
Бошқа ҳаражатлар	23,0	15,4	84,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 0,5 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 3,4 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўидагича ифодаланади:



## Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2017 йил январь-мартда умумий майдони 171,8 минг кв.м. бўлган 1272 та уй-жой бўлиб шундан қишлоқ жойларида 142,7 минг кв.м. 1110 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 133,7 млрд.сўми ёки 81,8 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-мартда 303,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,7 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 11,2 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 15,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 72,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жихатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 292,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96, фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 105,7 фоизни) ташкил килди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз қучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти куйидагича ифодаланади:

### Умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

